Тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 3 МАЙ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 85 (10.642) Баҳоси эркин нархда

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТ ПОКИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Покистон Жанубий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий- техникавий салоҳиятга эга йирик мамлакатлардан бири, — деди Ислом Каримов. — У нафақат минтақавий, балки халқаро даражада ҳам юксак нуфузга эга. Покистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган кўплаб муҳим халқаро масалаларда, жумладан, қўшни Афғонистонда барқарорликни қарор топтириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси тикланишида фаол иштирок этиб келаётир.

2005 йил март ойида Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг юртимизга ташрифи чоғида, ҳамкорлигимиз ривожига оид кўплаб муҳим келишувларга эришилиб, ўзаро муносабатларимиздаги ишонч руҳи яна бир бор мустаҳкамланди.

Покистонга бу галги ташриф бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давомидир. Ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда ҳозирги замон таҳдидларини бартараф этиш мамлакатларимиз олдида турган умумий вазифалар сирасига киради.

Ташриф асносида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилади. Марказий Осиё ҳам, Жанубий Осиё ҳам муҳим геосиёсий аҳамиятга эга минтақалардир.

Музокараларда қўшни Афғонистондаги тиклаш ишларида Ўзбекистон билан Покистоннинг биргаликдаги иштироки юзасидан ҳам келишиб олинади. Бинобарин, Афғонистонда тинчлик қарор топмас экан, минтақада хавфсизликни таъминлаш қийин.

Ўзбекистон — Покистон муносабатлари турли соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бироқ, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи икки томонни ҳам қониктирмайди, — дёди Ислом Каримов.— Покистон раҳбарияти билан учрашувларда шу масалалар ҳам кўриб чиқилади. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш томонлар манфаатларига тўла мос келади.

Иқтисодий тараққиётга эришишда транспорт ва коммуникация алоҳида ўрин тутади. Мазкур соҳада ҳамкорликни кенгайтириш эса муҳим вазифалардан. Покистоннинг Карочи ва Қосим денгиз портлари, шунингдек, бунёд этилаётган улкан Гвадар порти орқали биз Ҳинд океанига чиқиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Президентимизнинг ушбу расмий ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

***

ИСЛОМОБОД, 2 МАЙ (ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ). Бугун Президент Ислом Каримов Покистонга етиб келди. Пойтахт Исломобод аэропорти ва кўчалари икки давлат байроқлари, ўзбек, урду ва инглиз тилларидаги шиорлар билан безатилган.

Ислом Каримов муҳташам «Серена» меҳмонхонасига жойлашди. Икки кун давомида бу маскан Ўзбекистон раҳбарининг қароргоҳи бўлади.

Покистон Президентининг «Айвони Садр» қароргоҳида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Томонлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, мавжуд ижобий жараёнлар томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари муштарак эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф бугунги мулоқот Ўзбекистон — Покистон алоқалари мунтазамлик тусини олаётганини кўрсатишини, ўтган йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликка янги суръат бахш этганини қайд этди ва Исломобод музокаралари икки мамлакат манфаатларига мос келадиган янги келишувлар билан якунланишига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Покистонда мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббуслари ҳам қўллаб-қувватланади.

Бу омилларни инобатга олиб, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хилда эканлигини таъкидламоқ лозим.

Президентларнинг суҳбати чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама этилди. Бу мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишидан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро террорчилар икки мамлакатга ҳам узоқни кўзловчи мақсадлар билан ҳужумлар уюштирган. Айни пайтда бу иллат Трансафғон йўлагини ишга тушириш ва шу орқали транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантиришга ҳам жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

Шунингдек, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф турли халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Покистон Президентлари иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортганини, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошганини таъкидладилар. Аммо Ўзбекистон ва Покистоннинг имкониятлари холисона баҳоланадиган бўлса, бу рақамлар икки томонни ҳам қониктира олмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Покистонга механик ускуналар, пахта ва пилла, органик кимёвий бирикмалар, кимёвий тола, парафин, ўгит каби маҳсулотларни етказиб беради. Покистондан бизга цитрус мевалар, дори-дармон, қандолат маҳсулотлари, пластмасса буюмлар каби товарлар келтирилади. Бироқ ўзаро савдодаги маҳсулотлар рўйхати анчайин катта бўлишига қарамай, улар акс эттирадиган молиявий қиймат салмоғи ҳали талаб даражасида эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес- форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисоб- китоб ишларини соддалаштириш учун банкларараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, палаталараро ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш борасида келишувга эришилганини юқори баҳоладилар.

Музокарада жорий йилнинг февралида Покистон Давлат савдо корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида илгари сурилган таклифларни ҳаётга жорий этишнинг бориши муҳокама қилинди. Маълумки, ўшанда Ўзбекистондан Покистонга пахта толаси, ғалла ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб бериш масалалари юзасидан фикр алмашилган, биргаликда қатор тижорий ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилган эди.

Шу билан бирга, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг 2005 йил декабрда Тошкентда бўлган мажлисида кўтарилган масалалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилинди.

Покистон Марказий Осиё энергетика заҳираларига катта қизиқиш билан қарайди. Мулоқот чоғида нефт-газ соҳасидаги ҳамкорлик мавзуи кун тартибидаги асосий масалалардан бўлди.

Музокарада Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини инобатга олган ҳолда, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараси ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир Қўшма баёнот имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳабиб банк лимитед ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, Ўзбекистон ва Покистоннинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Қашқадарё вилоятида «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қарши шаҳридаги янги барпо этилган 16 минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион, Олимпия заҳиралари спорт коллежининг 600 ўринли спорт ўйинлари манежи, «Насаф» стадиони, унинг бассейни каби янги қурилган, таъмирланган, реконструкция қилинган замонавий спорт мажмуалари мусобақа иштирокчилари учун тахт қилиб қўйилган.**

● **Қарши шаҳрида бошланаётган навбатдаги «Умид ниҳоллари» спорт байрамининг машъаласи одатдагидек Паркент туманидаги «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш институти мажмуасида қуёш нурларидан ўт олдирилди.**

● **Олмалиқ шаҳридаги 10 минг ўринли «Металлург» стадионида катта хайрия концерти бўлиб ўтди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган тадбирдан тушган маблағ шаҳардаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун сарф этилади.**

● **Хива шаҳрида янги буюм бозорини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан тадбиркор Раҳимберган Юсуповни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натижада шаҳардаги ташландиқ майдон ўрнида янги буюм бозори қад ростлади. Ушбу «Хива Раҳмонберди» буюм бозори МЧЖ қурилиши учун 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди ва бу ердан 150 та мўъжаз савдо шохобчалари ўрин олди.**

● **Шу кунларда республикамизда «Энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Жиззахдаги 6-мактабда танловнинг тарих фани бўйича республика босқичи бўлиб ўтди.**

● **Жиззах вилояти акушерлик мажмуаси ҳомийлар маблағи ҳисобидан қисқа фурсат ичида капитал таъмирланди. «Янги аср» қурилиш корхонаси бунёдкорларининг шижоати, саъй-ҳаракати билан мажмуа биноси янгича ва кўркам қиёфа касб этди. Унинг яроқсиз аҳволга келиб қолган иситиш тизими бутунлай янгиланди.**

● **Бухоролик миришкорлар мамлакатимиз пойтахтининг «Қорақамиш» деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркасини ташкил этган эди. Ўтган вақт мобайнида 180 тоннага яқин чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари бозор нархидан анча арзон баҳода истеъмолчиларга етказиб берилди. Айни вақтда Когон ва Қоровулбозор тумани деҳқонлари ярмаркага яна 18 тонна гўшт, ун ва полиз маҳсулотларини жўнатди.**

ЖАҲОНДА

● **АҚШ муҳожирлари ўтган куни мамлакатнинг қарийб барча штатларида тинч намойиш уюштирдилар. Намойишда ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда океан ортида муҳожирликни тартибга солувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Агар у қабул қилингудек бўлса, АҚШдаги муҳожирларнинг асосий қисми ноқонуний йўл билан келган деб ҳисобланиб, мамлакатдан чиқариб юборилади.**

● **Америка томонининг ташаббуси билан Россия ва АҚШ Президентлари телефон орқали мулоқот ўтказишди. Мулоқот давомида турли масалалар, хусусан Эроннинг ядро дастури хусусида сўз борди.**

● **Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Романо Проди бошчилигидаги блокка кичик фарқ билан ютқазган Италия Бош вазири Сильвио Берлускони кеча охирги мажлисни ўтказгани ҳолда истеъфога чиқди. Айтиш керакки, бугунги кунда Берлускони Италиядаги энг бой киши ҳисобланади.**

● **Россия Федерациясининг Олтой ўлкасида Обь дарёсининг суви ҳаддан зиёд кўтарилиб кетиши натижасида ўлкада фавқулодда вазият юзага келди. Жумладан, сув тошқинларидан энг кўп жабрланган Бийск шаҳридан 1,5 мингта хонадон аҳли хавфсиз жойга эвакуация қилинди.**

● **Тожикистонда героин гиёвандлик моддасини Россияга жўнатиш билан шуғулланиб келган кимса махсус хизмат вакиллари томонидан қўлга олинди. Операция чоғида жиноятчининг ёнидан 2 килограмм миқдорда героин моддаси топилди.**

● **Ер силкинишларидан жиддий жабр кўрган Корякияда кеча яна Рихтер шкаласи бўйича 5 баллик зилзила рўй берди.**

● **Бизонларнинг қадимий ўлкаси Ёкутистонга кўпайтириш мақсадида Канададан 30 та ўрмон бизонларининг болалари келтирилди.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон» деб номланди.

●**БУГУН** Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Ислом—тинчлик, тотувлик дини» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

●**ЎТГАН КУНИ** Марказий офицерлар уйида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилотининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилган анжуманда «Камалак» болалар ташкилотининг беш ёшга тўлганлиги муносабати билан шу давр мобайнида бажарилган ишлар, келгусига мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.

●**ШАҲРИМИЗДАГИ** 293-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар «Дунё халқларининг урф-одатларини ўрганиш» деб номланди.

●**БУГУН** Юнусобод туманидаги «Юнусобод» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси—ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Маҳалланг — ота-онанг

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ



«Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз». Мамлакатимиз Президентининг ушбу фикрлари ислоҳотларнинг бугунги кундаги босқичида айниқса ёркин ифода топмоқда. Бу босқичнинг стратегик вазифалари эса, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, авваламбор демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай изчил ва қатъият билан боришдан иборатдир.

Бугунги кунда маҳалла ҳақиқатан ҳам том маънода жамият ва давлатнинг асоси деган мақомга лойиқдир. Ҳар бир оиланинг ҳаёти маҳалла билан бевосита боғлиқ. Фақат маҳаллада ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик каби инсоний қадриятлар мужассамдир, зеро бу даргоҳда инсонлар муносабатлари шунчаки дўстона эмас, балки қардошлик ришталари билан боғланган десак муболаға бўлмайди. Бу борада «Маҳалланг — ота-онанг» ибораси ҳам ўзининг асл мазмунини ифода этади.

Шу нуқтаи назардан, шубҳасиз, ҳеч ким маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг янги таркибини сайлаш, яъни бир қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни зиммасига олиб, уларни мустақил равишда ҳал этишга шайланаётган фидойи инсонларга овоз беришдек муҳим умумхалқ ишидан четда турмаслиги лозим.

(Давоми 3-бетда)

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 4 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

ПЕШОВАР УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

ПЕШОВАР УНИВЕРСИТЕТИ РОССИЯ, ХИТОЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ (AREA STUDY CENTER – RUSSIA, CHINA AND CENTRAL ASIA) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ИШТИРОКИДА «ПОКИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН» МАВЗУИДА ИЛМИЙ АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗДИ.

Семинарда марказ мутахассислари, олимлари ва Пешовар университети ўқитувчилари, мамлакатнинг марказий ва вилоят ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчиларини қутлар экан, университет ректори Хорун Рашид сўнгги йилларда Покистон-Ўзбекистон муносабатлари ривожи тўғри йўналишда амалга оширилиб, ижобий тус олганини таъкидлади. Икки мамлакат ҳамкорлиги ўзаро манфаатли қатор муҳим соҳаларни қамраб олган.

Хусусан, ҳукуматларимизнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалаларига ёндашувида якдиллик бўлиб, минтақавий ҳамда глобал муаммолар борасидаги қарашларида ҳам умумийлик кузатилмоқда.

— Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг 2005 йил март ойидаги Тошкент учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳукуматлар, вазирлик ва идоралараро миқёсда фаоллаштиришга хизмат қилган муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Президентининг бўлажак ташрифи тарихий аҳамият касб этиб, унинг натижалари дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда икки томонлама муносабатларни фаол ривожлантиришга туртки беради, — деди Х.Рашид.

Ўзбекистоннинг Покистондаги элчиси семинарда сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлиги хусусида батафсил сўзлаб берди ва йиғилганларни республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан яқиндан таништирди.

Давлатимиз иқтисодий тараққиёти мавзусини давом эттириб, иқтисодчи олим Шобир Аҳмад Хон ўзининг «Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқлари», деб номланган маърузасида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий тараққиётининг қиёсий таҳлилини келтириб ўтди.

Покистонлик мутахассис Тошкентнинг ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш сиёсати тўғрилигини ва бу йўл МДҲ мамлакатлари орасида энг муваффақиятлилигини намоён этганини таъкидлади. У Ўзбекистон иқтисодиёти инқирозга юз тутишини олдини олган тараққиёт моделининг тўғри танланганини исбот этувчи 90-йиллар бошидаги ўтиш даври кўрсаткичларини мисол тариқасида келтирди.

— 1989 -1999 йиллар орасида Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткични ташкил этди, — дея таъкидлади Шобир Хон.

У шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти охирги беш йил ичида мунтазам суръатда ўсиб келаётганига ҳам эътибор қаратди. Хусусан, 2005 йил натижаларига кўра мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 7,2 фоизга ортгани давлатимиз томонидан танланган тараққиёт стратегиясининг тўғрилигидан далолат беради.

— Барқарорлик ва иқтисодий ўсиш Ўзбекистонга ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар – соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, бандликни таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ қилиш имконини берди, — дея сўзида давом этди Шобир Хон. Сўзининг тасдиғи сифатида у сўнгги йилларда Ўзбекистонда мамлакат қудратини намойиш этувчи қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилгани, жумладан, вилоятларда газни қайта ишлаш станциялари, транспорт коммуникацияларини, пойтахт метросининг янги йўналиши, «Ўз-ДЭУавто» автомобиль заводининг ишга туширилганини айтиб ўтди. Андижондаги завод ҳақида тўхталиб, Шобир Хон мамлакатимиз замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, МДҲ мамлакатлари орасида рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиш бўйича етакчи ўринни эгаллаб турганига эътибор қаратди.

Марказ директори Азамат Ҳаёт Хоннинг «Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик аҳамияти» мавзуидаги маърузаси ҳам семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Олимнинг айтишича, Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви унга ўзгача мақом беради. Ўз фикрини у бой стратегик табиий захиралар, минтақадаги илмий-техникавий, интеллектуал салоҳият ҳамда энг тезкор ва қудратли қуролли кучлар мажудлиги билан изоҳлади.

Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг устунлиги — минтақадаги транспорт, энергетика ва сув тармоқлари марказида жойлашганидадир.

Азамат Хоннинг сўзларига кўра, Ўзбекистон минтақавий жараёнларга энг катта таъсир ўтказиш қудратига эга муҳим давлатдир. Кўшни давлатларда нотинчлик ва бекарорлик ҳукм сураётган ҳозирги шароитда Тошкент ёндашуви минтақавий хавфсизликни таъминлашда катта аҳамият касб этади.

— Халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқаларни инобатга олганда, муносабатларимизнинг яхшиланиш жараёни табиийдир. Халқимиз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли билан тарихий жиҳатдан боғлиқ, негаки у ҳозирги Покистоннинг дини, урф-одатлари, анъаналари шаклланишига кўмак берган, — дея хулоса қилди Азамат Хон.

Семинар иштирокчилари университетнинг тарих факультети декани, профессор Муҳаммад Анвар Хоннинг «Марказий Осиё қўлёзмалари Покистонда» мавзуидаги чиқишини қизиқиш билан тинглади. У Покистон Ислом Республикаси кутубхоналари ва архивларида Имом ал-Бухорий, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек тўғрисидаги қадимий қўлёзмалар борлигини маълум қилди.

Унинг айтишича, Покистоннинг таълим ва тадқиқот марказларида 10 мингга яқин қадимий қўлёзма мавжуд бўлиб, уларнинг икки мингга яқини ўзбек халқининг юқорида айтиб ўтилган аждодлари ва уларнинг асарларига бағишланган. Уларнинг аксарият қисми ҳали ўрганилмаган бўлиб, минтақа тарихи, фан ва фалсафий фикрларнинг ривожланишига оид кўплаб саволларига жавоб беради. Шу боис мазкур қўлёзмаларга Эрон, Ҳиндистон ва Ғарб тадқиқотчиларининг қизиқиши табиийдир. Шу ўринда Пешовар университетида ҳам 1400дан зиёд қўлёзмалар тўплами мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Профессор Муҳаммад Хон Буюк Ипак йўлининг– Бухоро, Самарқанд, Термиз каби қадимий шаҳарлари Ҳиндистон аҳолиси дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамиятига урғу бериб, Мовароуннаҳр таълим масканларида нафақат Марказий ва Жанубий Осиё, балки Ўрта Шарқ ва умуман, араб дунёси тарихига таъсир ўтказган диншунос олим ва мутафаккирлар етишиб чиққанини айтиб ўтди. Қадимий Покистон ва Ҳиндистон халқлари мусулмон географлари асарлари пайдо бўлмасданоқ икки дарё оралиғида яшаган ҳамда илмий тадқиқотлар билан шуғулланган ўзбеклар ҳақида билганлар, деди Муҳаммад Хон.

Семинар иши Покистон оммавий ахборот воситаларида, хусусан, «The News», «Dawn», «Frontier Post», «Daily Times», «The Statesman» газеталари саҳифаларида ҳамда «GEO News» телеканали ахборот дастурида кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА



КИТОБ — ИНСОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ДЎСТИ

АНДИЖОНДА «УЛУҒИМСАН ВАТАНИМ!» РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унинг очилиш маросими буюк шоир Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Андижоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, бутун мамлакатдаги каби, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида туб ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлади. У бугунги байрам ҳақида гапириб, халқимиз қадимдан бой маънавияти билан ажралиб туриши, адабиёт, китобга ошиқлигини айтиб ўтди. Шуниси қувончлики, бугун ҳам бу анъаналар давом этмоқда.



Андижонга китоб байрамида қатнашиш учун келган пойтахт делегацияси орасида таниқли адиблар, Ўзбекистоннинг етакчи матбаа корхоналари раҳбарлари бор. Байрамнинг фахрий меҳмонлари ва кўплаб иштирокчилари Навоий ҳайкали пойига гул қўйдилар.

Боғда нашриётларнинг маҳсулотлари намойиш этилган ўнлаб стендлар, кўргазмалар ташкил этилди. Матбаа корхоналари вакиллари китобхонларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар, уларнинг истак ва таклифларини мамнуният билан қабул қилдилар.

«Ўқитувчи» нашриётининг стендида ажойиб безатилган, сифатли муқоваланган дарсликлар китобхонлар, ўқувчи ёшлар эътиборини ўзига тортди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори Бобур Алимовнинг маълум қилишича, нашриётда республика мактаблари учун етти тилдаги китоблар чоп этилмоқда. Ҳар бир стенднинг олдида харидорлар гавжум. «Янги аср авлоди» нашриётининг стенди ёнида набиралари учун китоб танлаётган оқсоқолнинг айтишича, ёшларда матбаа маҳсулотларига қизиқиш катта.

Китоб байрами қатнашчилари Бобур номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасида бўлди. Бу ерда мустақиллик йилларида нашр этилган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Байрам ташкилотчилари Андижон шаҳридаги 2- Меҳрибонлик уйи кутубхонасига дарсликлар ва болалар бадиий китобларини совға қилди. Шу куни вилоятнинг бир қатор билим даргоҳларида ҳам ана шундай учрашувлар ўтказилди.

Саид ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири

Ислоҳотлар оқимида

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛИГИ, XXI АСР БОШЛАРИ ЖАҲОН ТАРИХИГА ИЖТИМОИЙ ДУНЁҚАРАШДА, ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЖЎҒРОФИЙ-СИЁСИЙ ТУЗИЛИШИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ СИФАТИДА КИРДИ. ЖАҲОН ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ. БУ ДАВРНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ, БИРИНЧИДАН, ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ЯҚИНЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧАЙИШИ, ЯХЛИТ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАКОНЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ЯГОНА ХАЛҚАРО МЕЪЁРИЙ ҚОИДАЛАР ВА АНДОЗАЛАРГА ЎТИШ БЎЛСА, ИККИНЧИДАН ТОТАЛИТАР ТУЗУМЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ, УНИТАР ТИЗИМЛАР ЎРНИДА ЁШ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДИР.

Ер куррасининг олтидан бир қисмида туб ислоҳотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида баён қилиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамият қурар экан, бетакрор яхлит андозани ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш уч таркибий қисмдан иборатдир:

биринчидан, ижтимоий жиҳатдан бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи;

иккинчидан, қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим тамойиллари;

учинчидан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, муайян мураккабликлардан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тузумини ва кучли сиёсий тузилмани барпо этиш мумкин.

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг мамлакатимиз давлат тизимида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан Юртбошимиз кўрсатганларидек: «Мустақиллик йўлига қадам қўяр эканмиз, биз, аввало давлат ва жамият қурилишининг, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ этишнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос дастурини ишлаб чиқдик. Бугун биз бош мақсадимиз— бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришнинг аниқ ва асосли дастурига эгамиз».

Ўзбекистон Республикасининг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, бунда биринчи навбатда асосий эътибор ўзбек давлатчилигини шакллантиришга қаратилди. Барча соҳалардаги қонунчилик қайта кўриб чиқилиб, танланган тараққиёт йўли сари такомиллаштирилиб борилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби, давлат бошқарувида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди.


Давлат ва жамият ҳаётида давлат органлари томонидан амалга ошириладиган бошқарувнинг тутган ўрни каттадир. Бошқарувнинг қандай тартибда амалга оширилиши давлат ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи мезондир. Шу сабабли, давлатимиз танлаган тараққиёт йўлидан борар эканмиз, албатта замон талабидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув тизимини ва унинг асосий элементларини такомиллаштириш лозим бўлади.

Бу борада Юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 9 декабрда «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши бошқарув тизимининг янада ислоҳ қилинишига олиб келди.

А.ҒОЗИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистратура тингловчиси

УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ТОШКЕНТ МАТБАА КОМБИНАТИ ҲОЗИРДА «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИГА АЙЛАНТИРИЛДИ. МАЗКУР КОРХОНА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ ЙИРИК ДАВЛАТ НАШРИЁТИ ҲИСОБЛАНАДИ.





Матбаачилик

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Икки йил аввал—2004 йилда «Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбанкнашр» нашриётлари ҳамда Тошкент матбаа комбинати бирлаштирилиб, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйига айлантирилди. Жумладан, унинг таркибига болажонларнинг севимли нашрлари ҳисобланган «Гулхан», «Ғунча» журналлари, «Тонг юлдузи», «Класс!» газеталари, шунингдек, «Соғлом авлод», «Зеркало XXI» газеталари таҳририятлари ҳам киритилди.

— Ҳозирги кунда нашриёт-матбаа ижодий уйимизнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ошиб бормоқда, — дейди корхона директори Зоир Исажонов. — Цехларимиздаги замонавий, юксак унумли техника воситалари ҳамда уларни моҳирона бошқараётган — матбаачилар зиммаларидаги вазифаларига сидқидилдан ёндашмоқдалар. Жамоамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 13 жилдини, қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа расмий материалларни, турли меъёрий ҳужжатларни нашрга тайёрлаб, чоп этди. Шунингдек, «Ўзбек миллий энциклопедияси»нинг барча жилдлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқшуносликка оид адабиётлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар, ўқув, услубий қўлланмалар, ўқув адабиётлари ҳам нашр қилинмоқда.

Кўп миллатли юртимизда таълим нафақат давлат тилида, балки рус, тожик, туркман, қирғиз ҳамда қозоқ тилларида олиб бориладиган умумтаълим мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлар ҳам чоп этилмоқда. Жумладан, хорижий, қардош тилларда илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар, маълумотнома, луғатлар, тасвирий санъат маҳсулотлари, фотоальбомлар, буклетлар, тақвимлар, плакатлар, кўргазмали қуроллар тайёрланади.

Бундан ташқари, нашриёт-матбаа уйида кўплаб газеталар, журналлар, энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган газета цехимизда бир галлик босма адади 2 миллион нусхани ташкил этган ҳолда 30 тадан ортиқ нашрлар: «Соғлом авлод», «Ватанпарвар», «Зеркало XXI» «Ишонч-Доверия», «Аргументы и факты» сингари газеталар сифатли қоғозда 4 хил рангда чоп этилмоқда ҳамда газетхонларни мамнун қилмоқда.



Унумли саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, ўтган — 2005 йилда жамоа аҳли ҳаммаси бўлиб 8 миллиард 850 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ҳамда йил якуни бўйича 700000 миллион сўмлик соф фойда олишга эришди. 11,3 миллион нусхадан ортиқ китоб ва бошқа босма маҳсулотлар; 15 миллион 615 минг нусхада газета, 1 миллион 340 минг нусхада журналлар шартномалар асосида чоп этилди.

Корхонанинг тадбиркор раҳбарияти доимий изланишда, ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, ҳамда кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги эътиборга сазовор. Улар жорий йилда ҳам катта режаларни амалга оширишни эзгу мақсад қилганлар. Масалан, замонавий, ўта мукаммал ҳамда 4 хил рангларда маҳсулот чоп этадиган «Rapida-105» русумидаги босма машинаси келтирилиб, ишга туширилади, бу машина шарофати билан китобларнинг, биринчи навбатда дарслик ва ўқув қўлланмаларининг сифати тамоман ўзгариб, яхшиланади.

Қувонарлиси, матбаа корхонасида яна бир янгилик — тезкор босма цехи ҳам ишга туширилиши режаланган. Янги цех имкониятлари жуда кенглиги боис мижозларнинг буюртмалари қисқа муддатларда, ҳатто бир неча соат ичида бажарилади, сифатга эса кафолат берилади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан корхонада кенг миқёсдаги ишлар режага киритилган. Жумладан, жорий йил охиригача 13 миллион сўмликдан ортиқ тиббиёт ҳамда тадбиркорликка оид китоблар нашр қилинади. Ҳозиргача эса «Тошкент маҳаллалари» деб номланган маълумотнома китоби нашр қилиниб, пойтахтимиздаги маҳаллаларга тақдим қилинди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоасининг иш жараёнидан лавҳалар.

Наталья Семёнова

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқароларнинг ушбу ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштирокини фаоллаштириш, уларнинг онгли равишда фуқаролик ва сиёсий нуқтаи назарини намоён этишида кенг қамровли тушунтириш ишлари катта аҳамиятга эгадир. Ва ушбу йўналишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эътиборлидир. Дастлабки сайловлар олдидан «Оқшом» газеталари «Тошкент» телерадиоканали билан ҳамкорликда бевосита сайлов жараёнига алоқадор бўлган турли тузилмалар вакиллари иштирокида давра суҳбати уюштирди. Қуйида ушбу тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини , саволларга берган жавобларини келтирмоқдамиз ва ишончимиз комилки, бу борада газетхонлар сайлов кампаниясига оид ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўлиқ воқиф бўлиб, қизиқтирган саволларига ҳам мутасаддилардан жавоб оладилар.

Савол: Фуқаролар йиғини сайловлари қандай қонунчилик меъёрлари билан белгиланади ва уларнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

Садриддин ХИДИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири, доцент:

— Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар қонунчилик асосида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, 1999 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси ҳамда 2004 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун билан белгилаб қўйилган.

Ушбу қонунчилик ҳужжатлари орқали сайловнинг ҳуқуқий асослари тасдиқланиши билан бирга ушбу жараёндаги кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳам тартибга солинган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар демократик, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлик тамойиллари асосида ўтказилади. Демократия тамойили фуқароларнинг бевосита сайловларда иштироки билан ифодаланади. Бунда уларнинг иштироки эркин ва ўз хоҳишига кўра таъминланади ва ҳеч ким бу борада тазйиқ ўтказиши ҳамда уларнинг ўз иродасини эркин ифода этишига таъсир кўрсатишга ҳақли эмас. Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини сайловлар жараёнида бевосита ёки билвосита чеклаш ҳам тақиқланади. Шаффофлик (ёки очиқлик) ва ошкоралик тамойили сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида кенг ифодасини топади. Фуқаролар сайловлар ўтадиган кун, вақти ва жойи, шунингдек маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифаларига номзодлар ҳамда сайловлар якунлари ҳақида олдиндан огоҳлантирилади. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда оммавий ахборот воситалари сайловлар жараёнига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни кенг ёритиб бориши айтилган. Буни эса яна бир бор ушбу жараёндаги ошкораликнинг бир воситаси деса бўлади.

Савол:. Қайд этилган Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига биноан сайловга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари таркибига «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, яъни жамоат тузилмаларининг асосий таянч вакиллари киритилган. Сайлов жараёнида уларнинг ўрни нимадан иборат?

Муҳамаджон ЗУФАРОВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси:

— Қонунчилик даражасида биринчи марта жамоат ташкилотларига сайлов жараёнининг ташкилий тадбирларида кенг иштирок этиш имконияти яратилди. Бу эса мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг исботидир. Биз фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, бу борада айниқса жамоат институтларининг фаоллиги алоҳида намоён бўлиши, шу жумладан маҳалла оқсоқоллари сайлови каби муҳим ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштироки зарурдир. Дарҳақиқат, жамғармамиз вакиллари сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари таркибига киритилган. Ушбу комиссияларнинг асосий вазифаси эса сайлов жараёнининг қонунчилик асосида юритилиши, яъни ушбу муҳим тадбирда барча фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаши лозимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда комиссия аъзолари, шубҳасиз, ўзларига юклатилган масъулият моҳиятини яхши тушунадилар. Қолаверса, якинда бўлиб ўтган шаҳар семинарида таъкидлаб ўтилганидек, комиссия аъзолари ҳам, ишчи гуруҳи вакиллари ҳам янги сайланган маҳалла фаолларининг эндиликдаги бўлажак икки ярим йил ичида олиб борадиган фаолияти учун ҳам масъулдирлар. Демак, биз, ташкилотчилар, ўз ваколатларимизни намоён этишда барча саъй-ҳаракатларимизни йўлга солмоғимиз лозим.

Биринчи галда бу оқсоқолликка номзодларни кўрсатиш жараёнига тааллуқлидир. Хизматим юзасидан мен кўпчилик маҳалла оқсоқоллари билан иш юритганман ва табиий равишда уларнинг фаолиятига тегишли баҳо беришга ҳам қодирман. Аммо айни пайтда гап бу ҳақда эмас, муҳими — номзодлар тасдиқланаётганда улар зиммасига юклатилаётган вазифалар (ҳозирда бу 45 дан зиёд вазифалар билан ифодаланади) хусусида унутмаслиги ва шу тариқа номзод уларни бажаришга қодир ёки қодир эмаслигини ҳам чамалаб кўриши керак. Айни пайтда ҳар бир маҳалланинг эртанги куни ва келажаги бу масъулиятли вазифага бугун кимни сайлашимизга бевосита боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Бу йилги сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир фуқаролар институтларининг иштироки аҳамиятида сўз борар экан, шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, бугунги кунда фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фахрийлар кенгаши, хотин-қизлар комиссияси, ёшлар ҳаракати ва яна бир қатор ташкилотлар вакиллари киради, яъни жойларда бизнинг бошланғич бўғинларимиз фаолият юритмоқда. Буни ҳам, шубҳасиз, демократик тамойилларнинг бир кўриниши деса бўлади. Сайловчилар эса эртанги кунда маҳалла оқсоқоли билан маслаҳатчи сифатида шахдам қадам қўйишга ҳаракат қилаётган бизнинг қадрлар учун ҳам ўз овозларини беришади.

Фарида АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Авваламбор ушбу муҳим жараённинг сиёсий аҳамияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бугунги кунда маҳалла жамият бўғинидан ўтиб, унинг асоси даражасида шаклланди, дейишга ҳақлимиз. Ҳар бир маҳалла ўз негизида таркиб топган тузилмадан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг тинчлик-хотиржамлиги, улар оилаларининг фаровонлиги учун жавобгардир, шунга мувофиқ бундай масъулият умумий олганда пойтахтимиздаги барча 474 та маҳалла зиммасига ҳам юклатилган.

Аёлларга келадиган бўлсак, дарҳақиқат, жамиятнинг бу гўзал намояндаларига эътибор давлат ва ҳукумат даражасида бўлаётир. Бу эса, шубҳасиз, ҳам катта масъулият, ҳам давлат ва жамият бошқарувида уларга бўлган ишончнинг белгисидир. Республикамиз аҳолисининг 51 фоизини ташкил этаётган аёллар бугунги кунда турли жабҳаларда фаолият юритади. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида хотин-қизлар қўмиталари ташкил этилган бўлиб, уларнинг бошланғич ташкилотлари ҳар бир меҳнат жамоаси, ўқув юрти ҳамда маҳаллаларда ишлаб турибди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, шаҳримиздаги 36 та маҳаллада аёллар бошчилик қилмоқда ва айнан шу ўзини ўзи бошқариш органларида тартиб-интизом тушунчаси том маънода ўз ифодасини топаяпти десак адашмаган бўламиз. Сайловга оид ишчи гуруҳлар таркиби ҳам асосан аёллардан таркиб топган. Бу эса барча сайлов жараёнларининг муваффақиятли якунланишида муҳим омил ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу ютуқларнинг аксарияти мамлакатимизда юзага келган демократик тамойилларни ҳамда жамиятда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнини ёркин ифода этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла раислари ҳамда маслаҳатчилар номзодларига кўпроқ аёлларни таклиф этишни истаб қоламиз. Албатта, бу борада талаблар барчага тенг бўлмоғи, қонунчилик асосида ифодасини топмоғи лозим. Авваламбор ҳар бир номзоднинг сиёсий дунёқараши, унинг бугунги куннинг долзарб масалаларини тушуниб етиш учун етарли билим даражасини ҳисобга олиш талаб этилади. Демоқчиманки, биз оқсоқолликка номзодларни танлашда хатога йўл қўймаслигимиз керак.

Мамлакатимиз Президенти яқинда «Самарқанд Дарвоза» маҳалласи худудида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш пайтида ўзини ўзи бошқариш органлари хусусиятлари устида тўхталиб ўтиб, жумладан маҳалла раислигига виждони пок, адолатпарварликни барча нарсадан устун қўйишга лойиқ инсонлар сайланмоғи лозим ва шундагина маҳалла том маънода мустақил орган номига сазовор бўла олади, дея фикр билдиргандилар. Шубҳасиз, бу борада оқсоқолнинг маълумоти катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда барча йўналиш бўйича таълим муассасалари мавжуд. Маҳалла оқсоқоли эса катта ҳаёт тажрибасига эга инсон бўлмоғи керак. Бундай билимлар негизи эса фақат ҳаёт жараёнида шаклланиши мумкиндир. Ўз навбатида, барча жамоат ташкилотларининг эътиборини сайловлар жараёнида фуқароларни фаоллаштириш, бу борада айниқса ёшлар, хусусан сайловларда биринчи марта иштирок этаётганлар ўғил-қизларимиз манфаатини ҳисобга олиш лозимлигига ҳам қаратиб ўтмоқчиман.

Раҳимжон НОДИРОВ, сайловга кўмаклашувчи шаҳар комиссияси аъзоси, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Бугунги кундаги ўз мақомига кўра «Маҳалла» жамғармаси сайловда, айниқса унинг якунига таъсир кўрсатувчи тайёргарлик пайтида алоҳида ўрин эгалламоғи лозим. Бизнинг вакилларимиз ҳам, бошқа жамоат тузилмалари каби, шаҳар ва туман комиссиялари таркибига киритилган. Айни пайтда сайловларда бевосита овоз бериш ҳуқуқига эга вакилларни сайлаш жараёни тугатилган ва шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бу йилги сайловларда вакилларни танлашга талаблар ўта кескин бўлди ва биринчи навбатда ҳар бир вакилнинг маҳалла ҳаётидаги фаоллиги эътиборга олинди. Ҳозирда уларга бевосита сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар тарқатмоқдамиз.

Сайловларга тайёргарлик борасида номзодларни аниқлаш жараёни ҳам муҳим босқичлардан ҳисобланади. Ушбу масалада демократик тамойили бўлмиш муқобиллик ёндошувига асосланади. Аҳоли учун бир нечта номзодлар ичидан (камида икки-уч киши) энг муносибини оқсоқолликка сайлаб олиш имкониятини яратмоқ талаб этилади. Дастлабки маълумотларга кўра, айрим маҳаллаларда оқсоқол вазифасига 7-10 тадан киши ҳам тавсия этилган. Ушбу таклифларни кўриб чиқиш пайтида ишчи гуруҳлар томонидан, албатта маҳалла аҳлининг фикри инобатга олиниши зарур. Шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, бугунги сайлов жараёни мобайнида ишчи гуруҳлари мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга ва уларга ҳеч ким тазйиқ кўрсатишга ҳақли эмасдир. Шаҳар ва туман комиссияларининг вазифаси эса ишчи гуруҳларига барча ташкилий масалаларда амалий ёрдам кўрсатиб, сайловларнинг ҳамма босқичи қонунчилик асосида ўтишини мувофиқлаштириб боришдир.

Фурқат МАҲМУДХЎЖАЕВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими раиси:

— Ҳар бир сайлов жараёнида фуқаро фаоллиги биринчи ўринда туради ва бу борада бугунги кунда ёшларимиз ўзини тўлиқ намоён этмоқда десак, афсус, адашамиз. Дастлабки ўтказилган мониторинг шуни кўрсатдики, ўғил-қизларимизнинг асосий қисми маҳалла ҳаёти билан унчалик қизиқмайди. Ҳаттоки, «бугун аралашмасанг, эртага савол-жавоб ҳам талаб этилмайди», деган фикр ҳам юради. Демак, бизнинг асосий вазифамиз ёшларимизни маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида уларнинг овози ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонтира олишдир.

Ушбу йўналишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аксарият фуқароларни онгли равишда сайлов жараёнларига жалб этиш, уларнинг маҳалла ишида иштирокини фаоллаштиришни кўзлайди.

Савол: Сайловларга тайёргарлик жараёни қизғин кетмоқда ва бу борада жойларда ташкилий вазифаларни амалга оширишни ўз зиммасига олган ишчи гуруҳларининг ўрни сезиларлидир. Шаҳар ва туман комиссиялари томонидан ишчи гуруҳлари фаолиятини енгиллаштириш борасида қандай имкониятлар яратилмоқда?

Абдусамад ҲИДОЯТОВ, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Яккасарой тумани комиссияси аъзоси:

— Биринчи навбатда ишчи гуруҳларининг жамоатчилик асосида ишлаётганини эътиборга олмоқ лозим ва шундан келиб чиқкан ҳолда комиссияларнинг асосий вазифаси белгиланади, шу жумладан ишчи гуруҳларининг тўғри ва самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасида ҳам. Юқорида маҳаллаларда сайловга оид барча чора-тадбирларни амалга ошираётган ишчи гуруҳларига юклатилаётган масъулият ҳақида бир неча марта таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан, бу тузилма аъзолари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида асосий «юк»ни ўз зиммасига олган. Бу борада улар ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлашга йўналтирилган тегишли ҳужжатлар бўлмоғи лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз бир нечта ҳужжатлар тўпламини тайёрладик. Жумладан, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардан иборат тўпламга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунлар, шунингдек Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарори ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда туман ҳокимлигининг қарорлари киритилган. Бошқа тўпламда эса раислар сайловлари, ишчи гуруҳлари йиғилишлари баённомалари, сайловга оид турли манзиллар бўйича юбориладиган хатларни тайёрлаш намуналари бериб ўтилган. Шунингдек, маҳаллага оид умумий маълумотлар, сайловчиларнинг сони, амалдаги оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари, ушбу вазифаларга номзодлари тавсия этилаётган кишилар хусусида ахборотлар ҳам жамланган. Агарда бу ҳужжатларнинг бари маҳалла қўмитаси ёки ишчи гуруҳи жойлашган бинода кўргазмали равишда тартибга келтирилса, сайловчиларга керакли ахборотдан воқиф бўлиш учун қулай шароит яратилган бўларди. Бугунги кунда ушбу ҳужжатлар тўпламлари электрон версиялари билан тумандаги барча 18 та маҳаллага тарқатилган ва айни пайтда шаҳримиздаги аксарият сайлов жараёнига масъул ишчи гуруҳлари ҳам таъминланмоқда.

Ўйлаймизки, иш юритишни шундай тарзда ташкил этиш усули ортиқча изоҳ талаб этмайди. Энг муҳими аҳоли сайловлар юзасидан ва умуман маҳалла хусусида қанча кўп ахборотга эга бўлса, шунга яраша улар ўз конституциявий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янада фаолроқ намоён этишга ҳаракат қиладилар.

Савол: Сайловолди тадбирларини ташкил этишда депутатлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ ноибларининг жойлардаги учрашувлари қай тарзда кечмоқда?

Эльмира БОСИТХОНОВА, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Бизнинг асосий вазифамиз ўз сайловчиларимизга маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг моҳияти ва аҳамиятини муҳим сиёсий воқеа нуқтаи назаридан тушунтиришдан иборатдир. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши даврида, шубҳасиз, маҳалла одамларни бирлаштириш борасидаги ҳаракатларимизда муҳим восита вазифасини ўташи лозим ва шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, маҳалла каби ўзига хос бошқарув институтига тенг тузилма бирон-бир ривожланган фуқаролик жамиятида мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам халқаро тадқиқотчилар бизнинг қадриятимиз — маҳаллани фуқаролик жамиятининг ноёб институти дея тан олишган.

Сайловчилар билан бўлаётган учрашувлар давомида маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ҳар бир кишига фуқаролик ва сиёсий фаоллигини кўрсатиб, номзодларга оид ва умуман фуқаролар йиғини фаолиятига тааллуқли ўз нуқтаи назарини очиқ ифода этишга имконият беришини тушунтириб ўтишга ҳаракат қиляпмиз.

Шу ўринда сайлов кампаниясида аёлларнинг ўрни ҳақида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчи эдим. Аёлларимиз ҳукумат, ҳокимлик даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар. Улар йирик компаниялар раҳбарлари, сиёсий партиялар етакчилари, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларидир. Шу билан бирга аёл уй бекаси ҳам бўлиб қолаверади, зеро у оилада алоҳида ҳурматга эга ва унинг фикри билан ҳамма бирлашади. Шу ҳам сир эмаски, айнан аёл, бошқа оила аъзоларидан фарқли ўлароқ, маҳалладаги ишлардан ҳам йироқ эмас. Бу дегани фуқароламизнинг сайлов жараёнида иштирокини фаоллаштиришда ҳақиқатан аёллар муҳим вазифани ўтамоғи даркор.

Савол: Мамлакатимиз кўп миллатли ҳисобланади, бу ерда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилади ва юқорида айтиб ўтилганидек, айнан маҳаллада бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний фазилатлар намоён бўлади. Бугунги кунда маҳаллалар ишида турли миллат вакиллари бош-қош бўлаётгани қувонарлидир. Бу ҳақда кўпчилик ҳурматини қозонган Юнус Ражабий номидаги маҳалла оқсоқоли Михаил Киктевнинг фикри қандай? Сайловларда иштирок этаётган бўлажак маҳалла раисларига қандай тавсиялар берган бўлардингиз? Сизнингча, улар зиммаларига юклатилажак масъулиятни нечоғлик тушуниб етадилар?

Михаил КИКТЕВ, Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Менга кўп маротаба «Маҳаллага қачон келгансиз?» деган савол беришади. Маҳаллага мен келмаганман. Маҳаллада туғилиб ўсганман. Ва менга инсонларни ёши, миллий келиб чиқиши, эътиқоди, жинсидан қатъи назар — барчани бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлаётган маҳалла фалсафаси яхши аён.

Бугунги ёшим Мустақиллик йиллари даврида маҳаллага юклатилаётган вазифаларни тубдан ўзгарган маъносида фарқлаш имконини беради. Аммо маҳалла асл фалсафий тушунча сифатида аҳамиятини йўқотмаган. Маҳалла ҳамон ҳар бир киши ва ҳар бир оиланинг ҳаётида алоҳида ўринга эга. Кунда маҳаллага фаоллари олдига кўплаб фуқаролар турли масалалари ва муаммолари билан келади, ўз қайғули ва қувончли дамлари билан ўртоқлашади. Бу дегани, маҳалла ўз атрофига кишиларни бирлаштиришдек кучга ҳар доим эга бўлиб қолаверади. Ўйлаймизки, айнан шу нуқтаи назардан маҳаллага давлат пойдевори дея юксак баҳо берилаётгани ҳам бежиз эмас.

Аввалги сайловларда оқсоқолликка маҳалламиз бўйича тўртта номзод — мен ва уч нафар маҳаллий миллат вакиллари кўрсатилганди. Маҳалладошлар мени сайлашди. Шу ўринда маҳалламизга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг саволини эслаб ўтишни лозим топдим. «Сиз рус миллатига мансубсиз, қандай қилиб маҳалла оқсоқоли бўлдингиз?», дея сўрашади уларнинг аксарияти. Ушбу вазифага аҳоли томонидан умумий фуқаролар йиғинида сайланганман, деган жавобим уларни ҳайратга солади. Бу билан демоқчиманки, мамлакатимизнинг умуммиллий қадрияти ҳисобланмиш маҳалла ҳақиқатан ҳам ноёб тузилмадир. Олдинги сайловга қайтадиган бўлсак, менга маҳалладошларимиз кўпроқ овоз беришганди, яъни номзод ёки оқсоқолга баҳо миллий келиб чиқишидан эмас, балки унинг сифат кўрсаткичлари ва биринчи навбатда билимига қараб берилади. Бугунги кунда кишилар атрофда бўлаётган воқеаларга холисона баҳо бериш ва ўз фикрларини очиқ намоён этишга қодир. Албатта, оқсоқолларнинг обрў-эътиборга эга, ҳар томонлама билимли бўлиши муҳим талаблардир. Шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳаёт тажрибаси ҳам катта аҳамиятга эга, зеро, оқсоқол олдига кишилар турли масалалар юзасидан келишга ўрганган экан, демак жавоб қайтаришда ҳам биринчи навбатда ҳаёти давомида орттирилган тажрибага суянмоғи лозим. Шу ўринда таклифим бор. Бугунги кунда оқсоқолликка тавсия этилаётган номзодлар 50 ёшдан юқори бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Савол: Республикамиз ҳаётида қандай сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилмасин, деярли ҳар бирида таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Бу йилги фуқаролар йиғини сайловлари ҳам бундан истисно эмас. Жумладан, мактаб имкониятларидан янада кенг фойдаланилади. Қолаверса, халқ таълими соҳаси вакиллари сайлов ташкилотчилари қаторидан ўрин олган. Бу борада сайлов жараёнига тайёргарлик қай тарзда кечмоқда?

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент шаҳар Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори:

— Дарҳақиқат, ҳар галгидек, бу йилги сайловларда ҳам халқ таълими соҳаси вакиллари фаол иштирок этмоқда, чунки мактабларимизнинг асосий қисми маҳаллалар ҳудудида жойлашган. Шу кунларда ўзини ўзи бошқариш органлари негизида сайловга оид ташкил этилган ишчи гуруҳларини ўқитувчилар бошқараётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Аввал айтиб ўтилганидек, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда «Оила — маҳалла — мактаб» концепциясининг моҳияти янада яққол ҳаётий ифода топади. Дарвоқе, яқинда ушбу мавзуда махсус рисола чоп этилди ва унинг мақсад ва вазифалари бугунги кунда амалиётга татбиқ этилиши бошланди. Мендан кўпчилик бу концепциянинг тарбия жараёнидаги изчиллиги хусусида тез-тез сўрашади. Бармамизга яхши маълумки, болалик даври бир нечта босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир фарзандимиз атроф-муҳит дунёсига илк қадамларини оиладан кейин маҳаллада бошлайди. Шундан сўнг унинг шаклланиш жараёни мактаб доирасида ўтади. Бундай йўналишда ягона бўғинлар бирлашуви муҳимдир. Ота-оналар томонидан тарбия борасида бой берилган бирон-бир имконият атрофдаги инсонлар, яъни қўни-қўшниларнинг ўгитлари билан тўлдирилади. Мактабда эса тарбия жараёни турли соҳалардаги билимларни қамраб олган ҳолда янада чуқурроқ мазмунга эга бўлади.

Бугунги жараёнларга қайтадиган бўлсак, ўқитувчиларга маҳалла оқсоқоллари сайловларини ташкил этишда катта ишонч билдирилган. Халқ таълими фидойилари сайлов технологияларидан яхши хабардор бўлганликлари боис, бу йилги сайловларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш бўйича барча ишларни қонун доирасида олиб боришга имконият етарли даражада бўлмоқда. Мактаб ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик риштаси эса ўқитувчиларга ушбу жараёнда юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши учун катта имконият туғдиради. Бевосита малака ошириш институтига келсак, менга Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида жойлашган маҳаллалардаги ишчи гуруҳларига барча ташкилий масалаларда амалий кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Жойларда ўтказилган дастлабки тадбирлар босқичида маҳаллаларнинг давлат томонидан кўллаб-қувватланиши, аввалambор қайд этилган ваколатли вазифаларнинг қонунчилик жиҳатидан тўғри бажарилишини таъминлаш зарурдир. Ва бу ерда, кўриб турганингиздек, гап тазйиқ ўтказиш ёки ўзини ўзи бошқариш органлари устидан назорат ўрнатиш ҳақида эмас. Бугунги кунда ҳокимликлар маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида шаклланиши ва унинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, фаолиятига ташқаридан аралашувга йўл қўймаслик, фуқароларга мустақил бошқарувга оид ҳуқуқларини таъминланишига кўмаклашиш каби масалаларни биргаликда ҳал этмоқда. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси моҳияти яъни, оқсоқолликка номзодлар ҳокимликлар билан келишилиши лозимлиги ҳам шундан келиб чиқади.

Юқорида ўзини ўзи бошқариш органларига оид кўплаб фикрлар билдирилди. Дарҳақиқат, маҳалла бу энди шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятининг ёркин ифодасидир. Ушбу тузилмага юклатилаётган вазифалар муҳим ва ўта долзарблиги билан таърифланади. Бугунги кунда маҳаллалар ўз мақомига тўлиқ жавоб бериши учун уларни ҳақиқатан ҳам ўзини ўзи бошқариш даражасига кўтармоғимиз лозим. Шунинг учун ҳам маҳаллани ким бошқаради, деган савол чуқур маънога эга, яъни ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилаётган вазифалар, фуқаролар манфаати йўлида уларнинг татбиқ этилиши янги сайланаётган оқсоқолларнинг масъулиятига бевосита боғликдир.

Ишчи гуруҳларига ҳам ҳокимликлар таъсир кўрсатиш, уларнинг ишига аралашишга ҳақли эмас. Қайд этилган Қонуннинг 7-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари фуқаролар йиғини сайловларини ташкил этиш ва ўтказишга барча имкониятларни яратишлари, шу жумладан зарур бўлган вазиятларда ишчи гуруҳларини бино ҳамда транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаши керак.

Нурмат САБУРОВ, ТДЮИ давлат ҳуқуқий фаолият факультети декани:

— Бу йилги маҳалла оқсоқоллари сайловлари — мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий жараённинг ёркин ифодасидир, зеро бу жараёнда аҳолининг барча қатламлари иштирок этади. Ташкилий тадбирлар ҳақиқатан қизғин кетмоқда. Аммо муаммолардан ҳам истисно эмасмиз ва бу биринчи навбатда фуқароларнинг ушбу жараёнга бўлган муносабатини шакллантиришга тааллуқлидир. Ушбу йўналишда ташкилий масалаларда муаммолар йўқ. Хусусан, институтимиз профессор-ўқитувчилари ва магистрантларидан ташкил топган 500 дан зиёд мутахассислар сайлов кампанияси иштирокчилари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар борасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун пойтахтимизнинг барча маҳаллаларига тақсимланган. Ўтказилаётган бу борадаги тадбирларда таъсирчанликка эришиш учун энг мақбул имкониятлардан фойдаланмоқ ва шу тариқа аҳолининг сайловларда фаол иштирокига эришмоқ лозим. Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу жараён натижалари маҳалла институти мақомини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда давра суҳбати уюштирувчилари бевосита маҳаллаларда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаган равишда уюштириш мақсадга мувофиқдир, зеро бунда пировардида фуқароларнинг сайлов каби муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқеага бўлган фаоллиги ва қизиқишини янада ортиши, шубҳасиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: Давра суҳбати давомида сайловга дахлдор бўлган ваколатли ва мутасадди шахслар томонидан билдирилган фикрлар асосида ушбу жараённинг энг муҳим нуқталарига тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга жойларда сайловлар бошланганини ҳамда ушбу жараён икки ой давом этишини ҳисобга олган ҳолда, шу мавзудаги тадбирларни давом эттириш ва уларни бевосита маҳаллаларда ташкил этишга ҳам тайёрмиз. Ўз навбатида, газетхонларимизни маҳалла оқсоқоллари сайловларига оид ўз фикр-мулоҳазалари, эътироз ва эътирофларини 136-53-10 ва 133-29-09 телефонлари орқали йўллашларини илтимос қилиб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Шоира МУҲАМЕДОВА

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Сўздин эрур маънини рангин мурод,
Бўлмаса ул сўзни дегил гирбоб.
НИШОТИЙ

ҲИКОЯТ. Нуъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир кун чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмагўй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса, қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нуъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабида сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

Бошида ақли кам бўлса кишининг,
Тилида сўзи кўп бўлади, бемадор!
Ибн КАМОЛПОШШО

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дурри шаҳвори бил.
НАВОИЙ

Ҳақиқатан ҳам сўзнинг лаззати уни гапиришда эмас, балки эшитишдадир:

Жимликка қасамки, сўз иссиғидан
Таним шам мисоли куйиб боради!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Сувнинг мазаси муз била,
Ошнинг мазаси туз била,
Одамнинг яхшилиги сўз била.
НАВОИЙ

Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақд таом яхши.

Сўз кишининг юрагидан дарак беради.

Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

«ОТАЛАР сўзи»

Жаҳонда камсуҳан ким бўлди,
асрор ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи
жаҳон бўлди.
БАЁНИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Ҳинд рожаси, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли иборатда баён ипига тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ надомат тортдим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан надомат етмас,
Сўз айтилгач, ундан зарар юзланар!

Ҳинд рожаси ақл дарёсидан ноёб дур ҳозирлаб, баён ипига терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан, у менинг қўл остимдадир. Ямон оғиз камонидан отилиб чиқса, унда энди эгалик қилолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан,
Айтилганни қачон тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса, уни қайтариб оламан, дейиш хомхаёлликдир!» Байт:

Шошилмокдан тийгин доимо ўзни,
Истаганда айтсанг бўлади сўзни!

Чин фағфури сўз бўстонидан гулдаста ҳозирлаб, туҳфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг измимдадир. Борди-ю у тил ошёнасидан парвоз қилса, ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди. Байт:

Қуш қафасидан учиб кетганда ҳар дам,
Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқари чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон,
Соҳибнинг қўли остида пинҳон.
Хоҳлаганда уни баён қилади,
Хоҳламаса яна ниҳон қилади!
Ибн КАМОЛПОШШО

Бўлсанг оламда фасоҳат аҳлининг
сардафтари,
Ҳар сўзунг бўлса балоғат қулзумининг
гавҳари.
САЙҚАЛИЙ

ЭЙ ФАРЗАНД, дунёда омон бўлай десанг, сергап бўлма, зарурат туғилса гапир, бўлмаса жимликни ихтиёр қил. Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат тилни сақлай билишдир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Киши икки нарса туфайли қаримайди,
Бири—эзгу хулқи, бири—эзгу сўзи,
Мендан сенга кумуш, олтин қолса,
Уларни сен бу сўзга тенг тутмагил.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Билгинки, ёнғоқнинг ичи пуч бўлса, овози шалдираб чиқади, пистанинг ичи тўла мағиз бўлгани учун оғзини юмиб, хомуш туради.

Ёнғоқлар ичида пуч бўлса ёнғоқ,
Овози барчадан чиқар баландроқ!
Ичи тўла писта асло гапирмас,
Бошдан-оёққача оғзи бўлса ҳам!
Битта дурдан садо чиқарар ҳуққа,
Ичи тўла бўлса гапирмас бир дам!
Ибн КАМОЛПОШШО


Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Маҳорат синови

ЁШ АВИАМОДЕЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

«ИНСОН ХАЁЛОТИНИНГ УФҚЛАРИ КЕНГ. ФАҚАТ УНДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНА БИЛИШ ДАРКОР», ДЕГАН ЭДИ ЎРТА АСР ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ ЕТУК НАМОЯНДАЛАРИДАН БИРИ ЖАН-ПОЛЬ САРТР. БУ СЎЗЛАР ЎЗ ДАВРИДА ҚАНЧАЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТГАНИ БАРОБАРИДА БУГУН ҲАМ УНИНГ РЕАЛ МОҲИЯТИ ЗАРРАЧА ЎЗГАРГАН ЭМАС. БИНОБАРИН, ИНСОНИЯТ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА САМО БАҒРИДА ЭРКИН ҚУШ КАБИ ПАРВОЗ ҚИЛМОҚНИНГ ҲАДИСИНИ ҚАНЧАЛИК ПУХТА ЭГАЛЛАГАН БЎЛСА, ЭНДИЛИКДА УЛКАН ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ МИТТИ НУСХАЛАРИ МАҲОРАТ-ЛА ЯРАТИЛАЁТГАНИГА, ИНСОН ТАФАККУРИНИНГ БЕМИСЛ МАҲСУЛИ СИФАТИДА ҚАРАШ ТЎҒРИ БЎЛАДИ.





Шу маънода ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган ёш авиамоделчиларнинг шаҳар биринчилиги мусобақалари умидли ҳамда иқтидорли ёшларнинг маҳоратларини синовдан ўтказишда муҳим босқич ҳисобланади. Бу йилги тадбир эса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой туман Кенгаши томонидан Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди.

Унда шаҳримизнинг барча туманларида фаолият юритаётган авиаклублардан 10 та гуруҳ вакиллари қатнашишди. Мусобақаларда 40 нафар авиамоделчилар ўзлари ясаган F2A, F2B, F4B, F2D, F2C русумидаги самолёт моделларининг имкониятларини амалда намойиш этдилар.

Биз қатнашчилардан бирини суҳбатга тортдик.

—Самолёт моделларини яратишга ёшлигимдан қизиқаман,— дейди Чилонзор авиаклуби аъзоси Дамир Сулаймонов.—Қизиқиш ва интилиш мени клубга етаклаб келди. Ҳозир бу ерда устозларим кўмаги билан янги ҳаво кемаларининг нусхалари устида изланишлар олиб бормоқдаман. Биринчилик баҳсларида эса омад менга ҳамроҳ бўлишига ишонаман.

Мусобақа шартига кўра иштирокчилар томонидан яратилган самолётларнинг митти нусхаларининг тезлиги, ҳар қандай вазиятда ҳам уча олиши, ҳаво жанги сингари вазиятларда қандай қулайликларга эга эканлигига алоҳида аҳамият қаратилди. Ҳар қандай маҳорат маҳсули ўз баҳосини топиши лозим. Шу маънода қатнашчиларнинг қандай натижаларни қўлга киритганлиги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Байрат Калонов, «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой туман Кенгашининг спорт масалалари бўйича услубчиси Юсуф Комилов сингари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

—Бугунги баҳсларда ёшларимизнинг ихтирочилик қобилиятлари синовдан ўтмоқда,— дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой туман Кенгаши раисининг ишлаб чиқариш ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, ўқув спорт техника клуби бошлиғи Ҳусан Ҳакимов.—Ўйлаймизки, бу ёшлар орасида келажакда ватанимиз авиасаноатига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассислар етишиб чиқадилар.

Хумоюн АЛИЕВ

СУРАТЛАРДА: ёш авиамоделчилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ҳукм ўқилди

ЖАНЖАЛЛИ ИШ— КЕЛТИРАР ТАШВИШ

ИНСОН ҲАЁТИ БИР ХИЛ КЕЧМАЙДИ. ҲАЁТИМИЗ ГОҲИДА ТЕКИС, РАВОН ЙЎЛЛАРДАН ОДИМЛАСА, ГОҲО ПАСТ-БАЛАНД, ЎНҚИР-ЧЎНҚИР ЧОРРАҲАЛАРДАГИ ТАЛОТУМЛАР БИЗНИНГ МУДОМ СИНОВДА ЭКАНЛИГИМИЗНИ ЭСЛАТИБ ТУРГАНДАЙ БЎЛАДИ ГЎЁ.

Нодира Фаёзовага эса негадир тақдир кулиб боқмади. Тиббиёт коллежини тамомлаганидан сўнг, аниқроғи, 1996 йилда Алишер исмли шахсга турмушга чиқди. Бироқ ёш оиланинг ҳаёти узоққа бормади: улар тезда ажрашишди. Орадан кўп ўтмай Нодиранинг ота-онаси, ака-укаларининг кўмагида унга «Қорақамиш» даҳасидан икки хонали уй олиб берилди. Шундан сўнг у иккинчи маротаба турмушга чиқди: лекин Мухторнинг гиёванд моддаларга қаттиқ ружу қўйганлиги, ношудлиги иккинчи марта қурилган оиланинг ҳам барбод бўлишига сабабчи бўлади.

Нодира энди ўзини тақдир измига топшириб, Амир Темур хиёбонида жойлашган уй бозорида олди-сотди билан шуғулана бошлади. Тақдир уни худди шу иш билан шуғулланадиган Ҳомид Камолов билан таништиради, улар шаърий никоҳдан ҳам ўтадилар. Кўп ўтмай қизлари Нафосат туғилади.

Масаланинг қизиғи шундаки, Ҳомид Камолов турмуш ўртоғи Ноила Муродова билан расмий никоҳда бўла туриб, Нодира билан муносабатини давом эттираверганди. 4 ёшли Акида эса отасининг онда-сонда бир кўриниб, кейин анча вақтгача қорасини кўрсатмай кетишидан, ҳаммасидан ҳам кўра тез-тез такрорланиб турадиган даҳанаки жанжаллардан безганди.

Қадимги юнонлар бойликсиз бошим, тинчгина ошим деган нақлга амал қилишар экан. Шу маънода қахрамонларимизнинг мўмайгина манфаатларга асосланган турмуши тинчгина кечишини табиий деб бўлмасди. Ҳомид билан Нодира кунда кун ора жанжаллашар, ўртадаги кескинлик тобора зўрайиб бир-бирига нисбатан куч ишлатишгача борилар эди.

Ўша куни Ҳ.Камолов соат 12.00 ларда Н.Фаёзованинг уйига келади.

— Агар мен билан яшамоқчи бўлсангиз хотинингиздан ажраласиз, — дейди Нодира Ҳ.Камоловни иссиқкина чой билан сийлагач. — Ахир қачонгача шундай юрамиз?

— Алжирама! Олдин пулларни қайтар, — Ҳомид Нодирага аталган кўнглидаги «ширин» гапларини шу тарзда баён қилади. — Сен билан икки йилдан бери ишлайман. Қанча уйларни сотдик. Пулнинг асосий қисми сенда, лекин менинг улушим кўпроқ.

Улар анча вақтгача пул устида тортишишади. Аччиғига чидай олмаган Нодира Ҳомидга қарата: «Ҳамманг бир гўрсанлар. Пул деган жойда имонингни ҳам сотасанлар», деб юборади. Ҳ.Камоловга шу етмай турганди. У Нодирани бўға бошлайди. Сўнг ҳушини йўқотганига ишонч ҳосил қилгач, қўл ва оёқларини арқон ҳамда электр сими билан боғлаб, гиламга ўрайди. Нафсиламбирини айтганда, ўша лаҳзаларда ақли шошиб қолган Ҳ.Камолов Нодирани ёруғ олам билан бутгул видолашган деб ўйлаганди. Бироқ вазият Ҳ.Камолов ўйлаганчалик эмасди: Нодира тирик эди. Шундан сўнг бўлғуси қотил уни ўзига тегишли бўлган «Москвич АЗЛК-2137» русумли, давлат рақами 30 К 0684 бўлган автомашинаси юкхонасида Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси ҳудудидан оқиб ўтувчи Салор каналига олиб боради ва гиламга ўралган Н.Фаёзовни канал кўпригидан ташлаб юборади. Ҳушсиз ва ожиз аҳволда қолган Н.Фаёзова воқеа жойида вафот этади.

Орадан бирмунча вақт ўтгач аниқроғи, ўтган йилнинг 9 май куни Н.Фаёзованинг жасади Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 58-уйда жойлашган «Тошкент иссиқлик маркази» АЖ ходимлари томонидан топилади.

Масаланинг эътиборли томони шундаки, Ҳ.Камолов Нодирани «тинчитгач» тезда воқеа жойидан яширинади ҳамда Нодирага тегишли бўлган уйдан 6.445.380 сўм қийматидаги 6.000 АҚШ доллари, 165.000 сўмлик бир дона 30 граммлик тилла занжир, 140.000 сўмлик думалоқ оқ кўзли икки жуфт зирак, 80.000 сўмлик «NOKIA 89101» русумли уяли телефон аппарати, 100.000 сўмлик оқ кўзли бир дона никоҳ узуги, умумий нархи 200.000 сўмлик уч дона тилла занжирларини ўмариб кетади. Тасдиқланган маълумотга кўра қотил марҳуманинг 7.130.380 сўмлик моддий бойлигини яширин равишда талон-тарож қилган.

Бироқ жиноят жазосиз қолмайди. Айбланувчи Ҳ.Камоловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига кўра айблов ҳукми эълон қилиниб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Саодат МИРСАГАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист

Анжуманлар

СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИДА «МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР СОЛИҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ, СУҒУРТА ВА ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА БУ БОРАДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ ХУСУСИДА СЎЗ БОРДИ.

БМТ Тараққиёт дастурининг «Солиқ тизими ислоҳоти ва янги таҳририятдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш» ҳамда «Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш» лойиҳалари ва «Ахбор рейтинг» банклараро рейтинг компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, республикада солиқ ислоҳотини чуқурлаштириш, тизимни соддалаштириш ва унификация қилиш иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради.

Анжуман давомида молиявий ташкилотларни солиққа тортиш борасидаги муаммолар, жумладан, даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи, мулк солиғи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобланган юридик шахслар даромадларини (фойда) солиққа тортиш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва Марказий банк ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари тижорт банклари ва лизинг компаниялари вакиллари саволларига жавоб қайтардилар. Айни чоғда иштирокчилар янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқаётган ишчи гуруҳига молиявий ташкилотларни солиққа тортиш бўйича керакли таклиф ва тавсияларни беришга келишиб олдилар.

Лазиз ЭШОНҚУЛОВ

Мунажжим башорати

ТУЙҒУЛАРИНГИЗГА ИШОНИНГ

4 МАЙ, ПАЙШАНБА

КУТИЛМАГАН ИШЛАР, ИЖОД УЧУН ЯХШИ КУН. ОЛДИНДАН ҲЕЧ НАРСАНИ ЎЙЛАБ, РЕЖАЛАШТИРИБ ЎТИРМАНГ, ТУЙҒУЛАРИНГИЗ ВА ШИДДАТ-ШИЖОАТИНГИЗГА ТАЯНИБ ИШ КЎРАВЕРИНГ. БУГУНГИ КУН АЙНИҚСА САНЪАТ АҲЛИ — АКТЁРЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР, АДИБЛАР ВА РАССОМЛАР УЧУН ОМАДЛИ, УЛАР ИЛҲОМ ВА НОЁБ ҒОЯЛАР ҚАНОТИДА ПАРВОЗ ҚИЛАДИЛАР.

Бугун улкан ишларга қўл уриш мумкин. Лекин бунда албатта улуғлар мадади керак бўлади. Йирик харидлар ва тижорат битимларини кечиктириб туриш маъқул. Узоқ сафарларга отланмай тура туринг. Олов билан муомалада эҳтиёт бўлинг: ҳар хил носозликлар ва ўт чиқиб кетиши хавфи мавжуд.

Бугун яна ўсимликларни парваришлаш, гул ўтқазиш, дала ҳовлиларида меҳнат қилиш фойдали. Иссиқ сув бугун шифобахш қудратга эга бўлади. Шунинг учун ҳаммомнинг иссиқхонасига тушиш ёки хушбўй гиёҳлар билан қайноқ ванна қабул қилиш саломатлигингизни мустаҳкамлайди.

Бу кеча кўрган ва ўсимликлар билан боғлиқ бўлган барча тушлар яхшиликлардан хабар беради. Айниқса, мевалар ва очилиб келаётган гулларни кўриш ғоят омадли ҳисобланади.

Бугун ҳам юрак-қон томир тизими хасталикларга мойил бўлиши ёдингиздан чиқмасин. Юраги заиф кишилар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак.

Кийимларнинг сариқ, олтинранг ва оқ ранглилари омадли бўлади. Қора ва жигарранг кийимларингизни жавонингизнинг нариги бурчагига суриб қўя туринг.

ЛОЙИҲАЛАР ФОТОКЎРГАЗМАСИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6-20 МАЙ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ФОТО СУРАТЛАР УЙИДА ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ФЕДЕРАЛ ВАЗИРЛИГИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «САМАРҚАНДДАГИ ШОДИ-МУЛК-ОҚА МАҚБАРАСИНИНГ РЕСТАВРАЦИЯСИ» ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛАДИ.

Лойиҳа мақсади аввалambор, ривожланаётган давлатларнинг миллий қадриятларини тиклашга кўмак бериш ва Германия томонидан амалга оширилаётган тенг ҳуқуқлик асосидаги маданий ҳамкорликни янада ривожлаштиришдан иборат. Мазкур дастур Германиянинг маданият ва таълим соҳасидаги ташқи сиёсати учун самарали бўлди.

Ҳозирги пайтда Европа-Ислом маданий тадбирлар доирасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ҳам Германия ташқи ишлар федерал вазирлиги ва Потсдам ихтисослашган олий ўқув юрти ҳамкорлигида «Самарқанддаги Шоди-Мулк-Оға мақбарасининг реставрацияси» лойиҳаси тадбиқ этилди. 2005 йилда муваффақият билан якунланди.

1997-2005 йилларда амалга оширилган лойиҳа Европа-Ислом дастури доирасидаги маданиятни ривожлантиришга оид лойиҳаларнинг имкониятларини яққол намоён этди.

Ўтказилажак кўргазмада мазкур дастур лойиҳаларининг жаҳоннинг бошқа мамлакатлардаги натижалари ҳам намойиш этилади.

Германия ташқи ишлар федерал вазирлигининг маданиятни ривожлантириш дастури доирасида бутун дунёдаги маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш ишига кўмак берилмоқда. Хусусан, хорижий давлатлардаги немис маданий меросига оид иншоотларни асраб- авайлаш ва келажак авлодларга етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, 1981 йилдан то 2004 йилга қадар жаҳоннинг 130 дан зиёд давлатларида 1200 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб жами 32,7 миллион еврога тенг маблағ сарфланди. Жумладан, тарихий ва диний обидалар, тарихий анжом, қўлёзмалар тикланди, маданий меросни сақлаб қолиш мақсадида музей ва архивларнинг техник жиҳозланишига ёрдам берилди, маданий мерос мавзуига бағишланган турли кўргазма ва тадбирлар ўтказилди.

«Туркистон-пресс»

ПОЙТАХТДАГИ ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ЎСМИР-ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЮНОН РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА УЧ КУН ДАВОМИДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Унда барча вилоятлардан умидли ёшлар саккиз вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Ушбу турнир ёш қатнашчилар учун жуда масъулиятли кечди. Чунки ғолиб чиққан спортчилар Осиё ҳамда жаҳон биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Кўплаб чемпионларни вояга етказган Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Андижоннинг ёш курашчилари мусобақада фаол қатнашишди. Бу йил ёш полвонларимиз олдида жаҳон ва Осиё биринчилиги ҳамда Қатарда ўтадиган Осиё ўйинлари турибди. Халқаро майдонларда ўтадиган барча баҳсларга ёшлар терма жамоамиз шундай мусобақалар орқали тобланиб, катта тажриба орттирадилар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари циркларининг артистлари чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-707

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6